

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АВАЗОВ ЮСУФ ШОДИЕВИЧ**

**КЎП КОМПОНЕНТЛИ АРАЛАШМАЛАРНИ АЖРАТИШНИНГ**  
**ТЕХНОЛОГИК МАЖМУАЛАРИ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИНИ**  
**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОШҚАРИШ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни**  
**автоматлаштириш ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УЎК 681.518:66.048.3

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Авазов Юсуф Шодиевич**

Кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик  
мажмуалари ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш .....3

**Авазов Юсуф Шодиевич**

Интеллектуальное управление жизненными циклами  
технологических комплексов разделения многокомпонентных смесей .....29

**Avazov Yusuf Shodiyevich**

Intelligent control of life cycles of technological complexes for the  
rectification of multicomponent mixtures .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АВАЗОВ ЮСУФ ШОДИЕВИЧ**

**КЎП КОМПОНЕНТЛИ АРАЛАШМАЛАРНИ АЖРАТИШНИНГ**  
**ТЕХНОЛОГИК МАЖМУАЛАРИ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИНИ**  
**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОШҚАРИШ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни**  
**автоматлаштириш ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T341 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетидида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:** Игамбердиев Хусан Закирович  
техника фанлари доктори, профессор, академик

Каипбергенов Батирбек Тулепбергенович  
техника фанлари доктори, профессор

Парсиев Сайдирахат Солиходжаевич  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** “Химвтоматика” МЧЖ ҚҚ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «06» 12 соат 1600 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu\_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (286 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2022 йил «21» 11 кун тарқатилди.  
(2022 йил «01» 11 даги 18 - рақамли реестр баённомаси).



**Ф.Т.Адилов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раис ўринбосари,  
т.ф.д., профессор

**У.Ф.Мамиров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.д., доцент

**Х.З.Игамбердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда саноат ишлаб чиқаришлари маҳсулотни ишлаб чиқаришдан то уни истеъмолчига етиб боришигача бўлган жараёнларни автоматлаштирилган ахборот тизимлари ёрдамида бошқаришни йўлга қўйиш мақсадида маҳсулотларнинг ҳаётий циклини бошқариш (Product Lifecycle Management – PLM) ва системалар ҳаётий циклини бошқариш (System Lifecycle Management – SysLM) тизимларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда дунёнинг етакчи мамлакатларида маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш учун бошқаришнинг янги усуллари, алгоритмлари ва тизимлари ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, мураккаб технологик мажмуалар ҳаётий циклини бошқаришда ресурс ва энергия исрофи катта бўлиб қолмоқда. Бу борада, мажмуалар ҳаётий циклини бошқаришнинг ресурс ва энергия сарфини камайтирадиган интеллектуал усуллари ва тизимларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда мураккаб аралашмаларни ажратишнинг технологик жараёнларини бошқариш сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, технологик мажмуалар ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муаммоларини ечиш долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ҳозирги вақтда маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда энергиятежамкорликни таъминловчи интеллектуал бошқариш тизимларини яратиш, ажратиш жараёнлари ва қурилмаларини бошқариш учун ноаниқ мантқиқ усуллари асосида вазиятли бошқаришнинг ноаниқ моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини бошқаришнинг интеллектуал тизимларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш йўналишларига катта аҳамият берилиб, жумладан аралашмаларни ажратишнинг технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқаришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи интеллектуал бошқариш усуллари ва тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида, жумладан, «Саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш ...», замонавий энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, ... энергия самарадорликни ошириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маҳсулотлар ва системалар ҳаётий циклини бошқариш концепциялари асосида кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

технологик мажмуалари ҳаётий циклини бошқаришнинг юқори самарали усуллари ва интеллектуал тизимларини синтезлаш ва амалга ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг нефть-газ тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг III. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ҳамда VI. «Кимё технологиялари, нефткимё ва нанотехнологиялар» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Мураккаб технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқаришнинг юқори самарали тизимларини ишлаб чиқиш, маҳсулотлар ва системалар ҳаётий циклини бошқариш бўйича самарали илмий-тадқиқотлар: “Honeywell”, SIMSCI-Simulation ва University of California, Massachusetts Institute of Technology, University of Michigan (АҚШ), “Siemens” ва University of Münster (Олмония), Imperial College London (Буюк Британия), Shell Global Solution (Буюк Британия-Голландия), University of Chemical Technology in Prague (Чехия), Osaka University ва Tokyo Institute of Technology (Япония), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), “MAWEA INDUSTRIES Enabling Digitilazition” (Малайзия) “Alstom” (Франция), “Simatek-Energo” (Беларусь), Бауман номидаги Москва давлат техника университети (Россия) каби етакчи илмий ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

Технологик жараёнлар ва мажмуаларни бошқаришнинг интеллектуал тизимлари, алгоритмлари ва усулларини яратиш ҳамда бошқариш тизимларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан параметрларнинг ноаниқлиги шароитида

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.honeywell.com/us/en>, <https://www.aveva.com/en/support-and-success/support-contact/simsci/>, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <https://www.mit.edu/>, <https://umich.edu/>, <https://www.siemens.com/global/en.html>, <https://www.uni-muenster.de/en/>, <https://www.imperial.ac.uk/>, <https://www.shell.com/>, <https://www.vscht.cz/?jazyk=en>, <https://www.osaka-u.ac.jp/en/>, <https://www.titech.ac.jp/english>, <https://www.kaist.ac.kr/en/>, <https://mawea.com.my/>, <https://www.alstom.com/>, <https://energyexpo.by/catalog/2021/2213/>, <https://bmstu.ru/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

технологик жараёнлар ва объектларни интеллектуал бошқариш алгоритмлари ва тизимлари яратилган (Massachusetts Institute of Technology, Мичиган университети (АҚШ), University of Münster (Олмония), Imperial College London (Буюк Британия)); ноаниқ мантиқ асосидаги вазиятли бошқариш моделлари ишлаб чиқилган (University of Chemical Technology in Prague (Чехия), Osaka University ва Tokyo Institute of Technology (Япония)); нейронаниқ ростлагичлар ва контроллерлар асосида интеллектуал бошқариш тизимлари ва алгоритмлар ишлаб чиқилган (Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), “MAWEA INDUSTRIES Enabling Digitilazition” (Малайзия)); маҳсулотлар ҳаётий цикли ва системалар ҳаётий циклини бошқариш концепциялари асосида маҳсулотлар ва объектларнинг ҳаётий циклини бошқариш усуллари ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, Мичиган университети (АҚШ), University of Münster (Олмония)); корхоналар ва қурилмаларнинг ҳаётий циклини моделлаштиришда когнитив билимлардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган (Imperial College London (Буюк Британия), Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Бауман номидаги Москва давлат техника университети (Россия)).

Маҳсулотлар ҳаётий циклини бошқариш концепциясини қўллаган ҳолда, мураккаб технологик объектлар ва техник тизимларнинг ҳаётий циклини бошқариш тизимларини яратиш воситаларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳонда бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, корхоналарнинг ҳаётий цикли босқичларини диагностика қилиш, «Саноат 4.0» парадигмаси элементлари асосида ақлли ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва ҳаётий циклини баҳолаш, мураккаб технологик объектлар ва қурилмаларнинг ҳаётий цикли давомийлигини таъминловчи интеллектуал бошқариш алгоритмлари ва усулларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Саноат ишлаб чиқаришидаги мураккаб технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш, маҳсулотлар ва системалар ҳаётий циклини бошқариш концепциялари асосида технологик қурилмалар, техник тизимлар ва объектларнинг ҳаётий циклини лойиҳалаш, бошқариш ва баҳолаш алгоритмлари, тизимлари ва усулларини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш масалалари бўйича қатор хорижий олимлар, жумладан Martin Eigner<sup>3,9</sup>, Anselmi Immonen<sup>6</sup>, Abir Ismaili-Alaoui<sup>4</sup>, Michael Riesener<sup>5</sup>, Antti Saaksvuori<sup>6</sup>, Spreafico Christian<sup>7</sup>, John Stark<sup>8</sup>, Ralf Stelzer<sup>9</sup>, Thiebat Francesca<sup>10</sup>, Shiqi Wang<sup>11</sup>,

<sup>3</sup> Martin Eigner. System Lifecycle Management. Engineering Digitalization (Engineering 4.0). Monograph. –Germany “Consultant Baden-Baden, Springer Fachmedien Wiesbaden GmbH, part of Springer Nature”, 2021. 275p.

<sup>4</sup> Abir Ismaili-Alaoui, Karim Baina, Khalid Benali. (2022). IoDEP: Towards an IoT-Data Analysis and Event Processing Architecture for Business Process Incident Management. International Journal of Advanced Computer Science and Applications, 13(4). -pp.900-915.

<sup>5</sup> Riesener M., Schuh G., Dolle C., Tonnesa C. (2019). The digital shadow as enabler for data analytics in product life cycle management. Procedia CIRP, 80, 729-734.

<sup>6</sup> Antti Saaksvuori, Anselmi Immonen. Product Lifecycle Management. Monograph. Third Edition. - Heidelberg (Berlin) “Springer-Verlag”. 2008. 270p.

<sup>7</sup> Spreafico C. An analysis of design strategies for circular economy through life cycle assessment. Environ Monit Assess, 194-180 (2022). <https://doi.org/10.1007/s10661-022-09803-1>

<sup>8</sup> John Stark. Product Lifecycle Management (Volume 3): The Executive Summary. -Geneva (Switzerland): Springer International

Stefan Wiesner<sup>12</sup>, И.Т.Давиденко<sup>13</sup>, К.Д.Жук<sup>14</sup>, А.А.Радионон<sup>14</sup>, В.Б.Тарасов<sup>15</sup>, А.А.Тимченко<sup>14</sup>, А.В.Федотова<sup>16</sup> ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан А.А.Абдукадиров<sup>17</sup>, Ф.Т.Адилов<sup>18</sup>, Ш.М.Гулямов<sup>19</sup>, А.И.Иваньян<sup>20</sup>, Н.Р.Юсупбеков<sup>21</sup> ва бошқалар изланишлар олиб боришган ва соҳа ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшишган.

Юқорида айтиб ўтилган олимлар томонидан махсулотлар ҳаётий циклини бошқариш, рақамлаштириш, лойиҳалаш, ҳаётий циклини баҳолаш, газни қайта ишлаш мажмуаларини интеллектуал бошқариш тизимлари, бошқариш тизимлари учун булутли технологиялар, кимё-технологик тизимларнинг ҳаётий цикларини бошқариш алгоритмлари ва тизимларини ишлаб чиқиш муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказишган.

Шу билан бирга, кўриб чиқилаётган масалалар бўйича тадқиқотлар соҳасида эришилган ютуқлар, махсулотлар ва системалар ҳаётий циклини бошқариш усуллари соҳасида эришилган муҳим натижаларга қарамай, ҳозирги вақтда мураккаб технологик мажмуалар ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш усуллари ва тизимлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг Ф-7-47 – «Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларининг назарий асослари» (2012–2016); ОТ-Ф7-88 – «Тоza махсулотлар олишнинг энергия ва ресурстежамкор иссиқлик-масса алмашилиш жараёнларининг истиқболли мураккаб кимё-технологик тизимларининг назарий асосларини такомиллаштириш» (2017–2020) ҳамда университет дастурининг «Нефть ва газни чуқур қайта ишлашнинг

Publishing AG, 2018. – 137p.

<sup>9</sup> Ralph Stelzer, Martin Eigner. Product Lifecycle Management. -Springer Berlin, Heidelberg, 2009. 434p.

<sup>10</sup> Thibat F. Life Cycle and Sustainability: Concepts and Keywords. In: Life Cycle Design. PoliTO Springer Series. Springer, Cham. [https://doi.org/10.1007/978-3-030-11497-8\\_1](https://doi.org/10.1007/978-3-030-11497-8_1)

<sup>11</sup> Shiqi Wang. Application of Product Life Cycle Management Method in Furniture Modular Design. Mathematical Problems in Engineering, 2022. Article ID 7192152, 10 p. <https://doi.org/10.1155/2022/7192152>

<sup>12</sup> Stefan Wiesner, Mike Freitag, Ingo Westphal, Klaus-Dieter Thoben. (2015). Interactions between Service and Product Lifecycle Management. Procedia CIRP, 30, -pp.36-41.

<sup>13</sup> Давыденко И.Т., Федотова А.В. Онтологическое моделирование технического обслуживания // материалы V междунар. науч.-техн. конф. Минск, 19-21 февраля 2015 года. – Минск: БГУИР, 2015. –С.429-438

<sup>14</sup> Жук К.Д., Тимченко А.А., Радионон А.А. Построение современных систем автоматизированного проектирования. - Киев, Наука, 1983. -248с

<sup>15</sup> Тарасов В.Б. Новые стратегии реорганизации и автоматизации предприятий: на пути к интеллектуальным предприятиям // Новости искусственного интеллекта, 1996. №4. –С.40-84

<sup>16</sup> Федотова А.В. Системы управления жизненным циклом продукции нового поколения, основанные на знаниях //Электронный научный технический журнал Инженерный вестник МГТУ, 2016. -№11 ISSN: 2307-0595. –С.531-539.

<sup>17</sup> Абдукадиров А.А. и др. Алгоритмы и системы управления жизненным циклом химико-технологической системы // Материалы XVI Международной научно-практической конференции «Наука и техника: шаг в будущее». –Прага (Чехия), 22-29 февраля 2020 г. - Том 13. –С.60-62.

<sup>18</sup> Farukh Adilov et al. Application of Digital Twin Theory for Improvement of Natural Gas Treatment Unit // 11th International Conference on Theory and Application of Soft Computing, Computing with Words and Perceptions and Artificial Intelligence - ICSCCW-2021. Springer Nature Switzerland AG, 2022. -PP. 1–8.

<sup>19</sup> Gulyamov Sh. Et al. Exploring of the Problematic Industry 4.0 and Platform-Based Economic Development // Lecture Notes in Networks and Systems, 2022, 362 LNNS, pp. 412–419

<sup>20</sup> Ivanyan A. et al. Design of Distributed Architecture of Refinery Complexes Control Systems by “AI Zour Refinery” Example // Lecture Notes in Networks and Systems, 2022, 439 LNNS, pp. 587–593.

<sup>21</sup> Yusupbekov N.R. et al. The Possibilities of Using Cloud Computing for Applications of Industrial Automation // Advances in Intelligent Systems and Computing, 2021, 1323 AISC, pp. 246–253.

инновацион технологияларини «Саноат 4.0» стратегияси асосида яратишнинг назарий асослари» (2021–2024) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** технологик мажмуаларнинг ҳаётий циклини кўриб чиқиш назариясини такомиллаштириш, шунингдек кўп компонентли аралашмаларни ажратиш мисолида технологик жараёнларнинг ҳаётий циклини бошқариш усуллари ва тизимларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

янгидан лойиҳаланаётган ва реконструкция қилиниши режалаштирилган технологик мажмуаларнинг ҳаётий циклини таҳлил қилиш;

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнининг технологик мажмуалари ҳаётий цикллари харажатлари ва давомийлигини аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш;

ажратиш мажмуасидаги қурималарни лойиҳалаш вақтини қисқартириш ва мажмуалар ҳаётий циклини оптимал лойиҳалаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини бошқариш самарадорлигини ошириш ва энергия сарфини камайтиришга имкон берадиган интеллектуал бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;

ажратиш мажмуалари ҳаётий циклини узайтириш имконини берадиган бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;

ажратиш жараёнини бошқаришни яхшилаш имконини берадиган интеллектуал бошқариш усулини ишлаб чиқиш;

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнининг мажмуалари ҳаётий циклини узайтириш имконини берадиган бошқариш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик мажмуалари ва уларнинг ҳаётий цикллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** мураккаб технологик жараёнлар ва мажмуаларнинг ҳаётий циклини бошқариш усуллари ва алгоритмларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, автоматик бошқаришнинг замонавий назарияси, ноаниқ мантиқ усуллари, сунъий интеллект назарияси, аналитик ҳисоб усуллари, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни моделлаштириш ва оптималлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

технологик мажмуалар ҳаётий циклини оптимал лойиҳалаш назарияси такомиллаштирилган ва маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усули асосида лойиҳалаш вақтини қисқартиришни таъминловчи алгоритм ишлаб чиқилган;

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш мажмуалари ҳаётий циклини узайтириш имконини берадиган бошқариш тизими ва онлайн диагностика алгоритми ҳолат кузатувчилари асосида ишлаб чиқилган;

технологик жараёнларни бошқариш назарияси такомиллаштирилган ва кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини бошқариш самарадорлигини ошириш ва энергия сарфини камайтириш имконини берадиган интеллектуал бошқариш тизими ишлаб чиқилган;

системалар ҳаётий циклини бошқариш тизимлари асосида кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнининг қурилмалари ҳаётий циклини узайтириш имконини берадиган ажратиш жараёнини бошқариш усули ишлаб чиқилган;

вазиятли бошқаришнинг ноаниқ модели асосида маҳсулот сифатини ошириш ва ажратиш жараёнини бошқаришни яхшилаш имконини берадиган кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини интеллектуал бошқариш усули ишлаб чиқилган;

ҳаётий циклнинг ҳар бир босқичидаги харажатларни ҳисоблаш асосида мажмуа ҳаётий циклининг умумий нарҳини баҳолаш имконини берадиган ҳаётий цикл давомийлиги ва нарҳини аниқлаш услубияти таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини интеллектуал бошқариш усулини амалга оширишни тавсифловчи функционал схема ишлаб чиқилган;

ажратиш жараёнининг қурилмалари ҳаётий циклини узайтириш имконини берадиган ажратиш жараёнини бошқариш усули ишлаб чиқилган;

ажратишнинг технологик жараёнлари мажмуалари ҳаётий циклини оптимал лойиҳалаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ажратиш мажмуалари ҳаётий циклини узайтиришга хизмат қилувчи онлайн диагностика алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ноаниқ мантқ ва вазиятли бошқариш алгоритмларига асосланиб, кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини интеллектуал бошқариш усулини ҳамда системалар ҳаётий циклини бошқариш асосида ажратиш қурилмалари ҳаётий циклини узайтирувчи бошқариш усулини ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиб, ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мувофиқлиги, саноат-синов тажрибалари натижаларининг ижобийлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳаётий циклини аниқлаш назариясининг такомиллаштирилганлиги, ажратишнинг технологик жараёнларини интеллектуал бошқариш усулларини ва қурилмалар ҳаётий циклини узайтириш имконини берадиган бошқариш усулини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик жараёнларини интеллектуал бошқариш усули ва мажмуалар ҳаётий циклини узайтириш имконини

берувчи бошқариш усули, интеллектуал бошқариш тизими, ҳаётий циклини лойиҳалашни оптималлаштириш ва онлайн диагностика алгоритмларини нефтқимё ва нефтгазни қайта ишлаш саноатларидаги ажратиш мажмуалари ҳаётий циклини бошқаришда қўллаш энергия ва ресурс сарфини 3-4 % га камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини интеллектуал бошқариш усуллари «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда жорий қилинган («O'ZLITINEFTGAZ» АЖ нинг 2022 йил «17» октябрдаги 35/2771-сон маълумотномаси). Натижада ажратиш жараёнини бошқариш сифатини яхшилашга ва қурилмалар ҳаётий циклини узайтиришга имкон берган;

маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усули асосида технологик жараёнлар мажмуалари ҳаётий циклини оптимал лойиҳалаш алгоритми «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда жорий қилинган («O'ZLITINEFTGAZ» АЖ нинг 2022 йил «17» октябрдаги 35/2771-сон маълумотномаси). Натижада ажратиш жараёнининг мажмуаларини лойиҳалаш вақтини қисқартириш имконини берган;

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш технологик мажмуасини интеллектуал бошқариш тизими «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖда жорий қилинган («O'ZLITINEFTGAZ» АЖ нинг 2022 йил «17» октябрдаги 35/2771-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини бошқариш самарадорлигини ошириш ва энергия сарфини 3 % га камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Бажарилган тадқиқот натижалари бўйича 25 та илмий иш, жумладан, ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда 12 та мақола, улардан 4 таси хорижда чоп этилган, ихтироларга 1 та патент ва 1 та ижобий қарор, ЭҲМ учун дастурий воситаларнинг қайд этилганлиги тўғрисида 2 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 192 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи,

муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш мажмуаларининг ҳаётий циклини интеллектуал бошқаришнинг замонавий ҳолати» деб номланган биринчи бобида илмий-техник муаммонинг замонавий ҳолати танқидий жиҳатдан таҳлил этилган. Ажратиш жараёнларини моделлаштириш ва оптималлаштириш масалалари таҳлил қилинган. Ажратиш мажмуаларининг ҳаётий циклини бошқариш усуллари ва тизимларини ишлаб чиқиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва энергия сарфини камайтириш имконини берадиган имкониятлар асосланган. Ажратиш мажмуаларининг ҳаётий циклини бошқариш усуллари ва тизимларини маҳсулотлар ҳаётий циклини бошқариш ҳамда системалар ҳаётий циклини бошқариш концепциялари асосида қуришнинг мумкинлиги кўрсатилган. Ҳаётий циклини бошқариш концепцияларининг ривожланиш тенденциялари аниқланган.

Диссертациянинг «Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларининг технологик мажмуалари ҳаётий циклини лойиҳалаш» деб номланган иккинчи бобида кўп компонентли аралашмаларни ажратиш мажмуаларини лойиҳалаш усуллари баён этилган. Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш мажмуасининг ҳаётий циклини лойиҳалаш структураси ҳамда лойиҳаларнинг орасидан энг мақбулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган.


Технологик мажмуаларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишни структуравий схема (1-расм) кўринишида тасвирлаш мумкин: буюртмачи, технологик мажмуалар лойиҳасига буюртмачи томонидан қўйиладиган талаблар, лойиҳаловчи, билимлар базаси, қарор қабул қилиш блоки ва технологик мажмуалар учун тайёрланган лойиҳалар вариантлари.



1-расм. Технологик мажмуалар лойиҳасини ишлаб чиқиш структураси.

Буюртмачи лойиҳанинг қиймати, унинг афзалликлари ва лойиҳани амалга ошириш муддатлари каби асосий талабларни шакллантиради ва

уларга бўлган чегараланишларни белгилаб беради. Технологик мажмуалар лойиҳасига буюртмачи томонидан қўйиладиган талаблар буюртмачи томонидан ишлаб чиқилади ва лойиҳаловчига тақдим этилади. Лойиҳаловчининг вазифаси буюртмачи талабларини таҳлил қилган ҳолда билимлар базаси, қарор қабул қилиш блокларидан фойдаланиб, лойиҳанинг дизайни ва уни амалга ошириш кетма-кетликларини белгилаб олишдан иборат. Билимлар базаси технологик жараёнлар ва қурилмалар, уларнинг стандартга солинган геометрик кўринишлари ҳақидаги турли билимларни ўз ичига камраб олади. Тайёрланган лойиҳалар вариантлари буюртмачига тақдимот қилинади. Қарор қабул қилиш блоки сунъий интеллект технологиялари билан таъминланган бўлиб, мазкур блок таркибига ишлаб чиқиладиган лойиҳаларнинг оптимал вариантини танлаш алгоритми киритилади (2-расм).




2-расм. Технологик мажмуа лойиҳалари орасидан энг мақбулини танлаш алгоритми.

Технологик жараённинг компьютерли дизайнидаги маълумотлар интеллектуал таҳлил қилиш усуллари асосида таҳлил қилинади ва бунда жараён ҳақидаги билимлар базасининг маълумотларига ҳам мурожаат қилинади. Бундай таҳлил хатоликларни максимал даражада камайтириш имконини беради.

Тизимли лойиҳалашнинг V-моделли. Тизимли лойиҳалашнинг бир нечта моделлари мавжуд бўлиб, уларнинг ичида тузилишига кўра энг содда ва тадқиқотчига кўпроқ ахборот берадигани анъанавий V-модель ҳисобланади. V-моделнинг чап томони юқоридан пастга йўналиш кўп компонентли

аралашмаларни ажратишнинг технологик мажмуаларини лойиҳалаш учун уларга буюртмачи томонидан белгиланган талабларнинг модулли иерархия бўйича қўйилишини ифодалайди, ўнг қисми эса пастдан юқорига йўналишда бу талабларнинг бажарилиши текширилишини кўрсатади (3-расм).



3-расм. Ажратишнинг технологик мажмуаларини лойиҳалашнинг V-моделли.

Тизимли лойиҳалашнинг W-моделли. Тизимли лойиҳалашнинг W-моделли буюртмачи талабларига кўра лойиҳалаш ҳамда тизимли лойиҳалашнинг V-моделлини биргаликда қўллаш натижасида ҳосил бўлади. Лекин V-моделдан фарқли ўларок, талаблар каскад кўринишида намоён бўлади ва W-моделда бир вақтда ҳаётий циклнинг тўрт босқичи: лойиҳалаш, ишга тушириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатишларни ўзаро алоқалари билан биргаликда тасвирлаш имкони мавжуд (4-расм).



4-расм. Ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклни тизимли лойиҳалашнинг W-моделли.

Ажратишнинг технологик мажмуаларининг ҳаётий циклни лойиҳалашда W-моделдан фойданишнинг афзаллиги шундаки, бундай

моделларда бир нечта мақсадлар амалга оширилади. Масалан, нефтни бирламчи қайта ишлашдаги ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини лойиҳалаш учун таклиф этилаётган W-моделда тўртта мақсад назарда тутилган: лойиҳалашни оптималлаштириш, лойиҳани ишга туширишда оптималлаштириш, технологик параметрларни оптималлаштириш ва харажатларни оптималлаштириш.

Лойиҳага ўзгартиришларни киритиш имкониятини таъминлаш учун маълумотларни ноаниқ кластерлаш амалга оширилади. Маълумотларни ноаниқ кластерлаш уларнинг бир-бири билан алоқасини қанчалик яқинлигини баҳолашга асосланади (5-расм).



5-расм. Ҳаётий цикли интеллектуал бошқаришда маълумотларни ноаниқ кластерлаш босқичлари.

Тасаввур қиламиз, ажратишнинг технологик мажмуасида мавжуд ажратиш қурилмалари сони  $n$  та бўлиб, ҳар бир ажратиш қурилмасида назорат қилинадиган ва ростланадиган технологик параметрлар  $m$  турли бўлсин. Унда мазкур келтирилган қурилма ва параметрлар сонига қўра  $n \times m$  ўлчамли  $X$  матрицани қуриш мумкин:

$$X = \begin{bmatrix} x_{11} & x_{12} & \dots & x_{1m} \\ x_{21} & x_{22} & \dots & x_{2m} \\ \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ x_{n1} & x_{n2} & \dots & x_{nm} \end{bmatrix}. \quad (1)$$

Энди ҳар бир қурилмага тўғри келувчи параметрларга оид маълумотларни мувофиқлаштирамиз. Бунда қуйидаги ифодадан фойдаланамиз:

$$x'_{ij} = \frac{x_{ij} - \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_{ij}}{\sqrt{\frac{1}{n-1} \sum_{i=1}^n \left( x_{ij} - \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_{ij} \right)^2}} \quad (i=1,2,\dots,n; j=1,2,\dots,m). \quad (2)$$

Мувофиқликнинг минимум ва максимум қийматларини мос равишда  $\min \{x'_{ij}\} = A$  ва  $\max \{x'_{ij}\} = B$  каби белгилаб олсак, қуйидаги корреляцион боғлиқлик ифодасини ҳосил қиламиз:

$$y_{ij} = \frac{x'_{ij} - A}{B - A}, \quad 0 \leq y_{ij} \leq 1. \quad (3)$$

Агар ноаниқлик шароитида олинган чикиш параметрларини  $Y = [y]_{n \times m}$  кўринишда ёзиш мумкин бўлса, унда мувофиқликнинг ноаниқ матрицаси  $\tilde{T}$  ни куйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\tilde{T} = \begin{bmatrix} t_{11} & t_{12} & \dots & t_{1m} \\ t_{21} & t_{22} & \dots & t_{2m} \\ \vdots & \vdots & \dots & \vdots \\ t_{n1} & t_{n2} & \dots & t_{nm} \end{bmatrix}, \quad (4)$$

бу ерда  $t_{ij} = y_i$  ва  $y_j$  параметрлар ўртасидаги мувофиқлик даражасини билдиради.

Ажратиш қурилмаларига оид маълумотлар мувофиқлаштириб бўлингач, улар мос равишда бошқариш тизимига узатилади. Бунда ҳосил бўлган матрицага ноаниқ эквивалент бўлган матрица  $\tilde{T}^k$  ҳам мавжуд бўлади ва транзит матрица вазифасини бажаради:

$$i(\tilde{T}) = \tilde{T}^k = \underbrace{\tilde{T} \circ \tilde{T} \circ \dots \circ \tilde{T}}_k, \quad (5)$$

бу ерда “ $\circ$ ” белги керакли ҳолларда унинг ўрнида  $(\wedge, \vee)$  ноаниқ амаллардан фойдаланишини билдиради.

Ажратиш қурилмаларининг конструктив ва технологик параметрлари бир-бирдан фарқ қилишини эътиборга олган ҳолда, модулли ёндашувни қўллаймиз. Бунда ҳар бир тур ажратиш қурилмасининг ишлашдаги ишонччилик даражаси  $\lambda$  қанча юқори ( $\lambda$  нинг қиймати 0 дан 1 гача оралиқда ётади) бўлса, унда юз берадиган жараён шунча мураккаб ва технологик параметрлар сони кўп бўлади. Ажратиш қурилмалари мажмуаси модулларга ажратиб бўлингач, кўп мақсадли оптималлаштириш амалга оширилади. Оптималлаштириш учун куйидаги чегараланишлар танлаб олинган:

$F_M$  – кўп компонентли аралашмани ажратиш мажмуаси таркибининг мураккаблиги;  $F_K$  – ажратиш қурилмаси конструкциясининг соддалиги;  $F_J$  – ажратиш жараёнининг мураккаблиги;  $F_X$  – хизмат кўрсатишнинг осонлиги.

Ажратишнинг технологик мажмуаси ҳаётий циклини ҳар бир босқичи учун мос боғлиқликларни келтирамиз.

Ажратишнинг технологик мажмуалари модулларини лойиҳалаш босқичи учун:

$$F_M = -\frac{1}{r_M} \sum_{i=1}^n [d_i \ln d_i + (1-d_i) \ln(1-d_i)], \quad (6)$$

бу ерда  $r_M$  – мажмуадаги қурилмага мос келувчи “М” модулга мос келувчи тартиб рақами;  $d_i$  – қурилмани лойиҳалаш босқичидаги  $i$ -функциянинг аниқланганлик даражаси.

Ажратиш қурилмаларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш босқичи учун:

$$F_K = -\frac{1}{r_M} \sum_{i=1}^n [f_i \ln f_i + (1-f_i) \ln(1-f_i)], \quad (7)$$

бу ерда  $f_i$  – ишлаб чиқариш босқичидаги  $i$ -функциянинг аниқланганлик даражаси.

Ажратиш қурилмасида юз берадиган ажратиш жараёни учун:

$$F_{жс} = -\frac{1}{a} \sum_{j=1}^{r_M} \frac{n_i(j)}{n} \ln \frac{n_i(j)}{n}, \quad (8)$$

$n_i(j)$  –  $j$ -модулга мос ажратиш курилмасидаги жараённинг функцияси.

Лойиҳада ҳар бир курилмага мос келувчи  $i$ -модулнинг ишдан чиқишини  $\eta_i$  билан белгиласак, унда ишдан чиқишларга хизмат кўрсатиш босқичи учун қуйидаги боғлиқликни ёзамиз:

$$F_x = -\frac{1}{r_M} \sum_{i=1}^n [\eta_i \ln \eta_i + (1 - \eta_i) \ln (1 - \eta_i)]. \quad (9)$$

Юқорида келтирилган ифодаларга асосланиб, ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини лойиҳалашда модуллар сонини оптималлаштириш учун ҳар бир босқичда минимал қийматга эришиш лозим. Бундай оптималлаштириш масаласининг ечими  $S(Y)$  функционал орқали аниқланади:

$$S(Y) = \min \{ \tilde{F}_M + \tilde{F}_K + \tilde{F}_Ж + \tilde{F}_X \}, \quad (10)$$

бу ерда  $\tilde{F}_M; \tilde{F}_K; \tilde{F}_Ж$  ва  $\tilde{F}_X$  – мос равишда мажмуа, курилма, технологик жараён ва хизмат кўрсатиш бўйича қўйилган чекланишли функцияларнинг баҳолари.

Мазкур баҳолар мос равишда қуйидаги ифодалар орқали аниқланиши мумкин:

$$\tilde{F}_M = \frac{F_M}{\sum_{i=1}^N F_M}, \quad \tilde{F}_K = \frac{F_K}{\sum_{i=1}^N F_K}, \quad \tilde{F}_Ж = \frac{F_Ж}{\sum_{i=1}^N F_Ж}, \quad \tilde{F}_X = \frac{F_X}{\sum_{i=1}^N F_X}. \quad (11)$$


Ажратишнинг мураккаб технологик мажмуалари ҳаётий циклини лойиҳалашда модулли ёндашувдан фойдаланиш айрим ўхшаш модуллар (курилмалар)ни такроран лойиҳалашдан халос бўлиш афзаллигига эга. Бундан ташқари, модулларни лойиҳалашда кўп параметрли оптималлаштиришдан фойдаланиш айрим параметрларни оптималлаштириш натижасига таъсири юқори бўлишининг олдини олиш имконини беради.

Диссертациянинг «Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларининг технологик мажмуалари ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш тизимини ишлаб чиқиш» номли учинчи бобида кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш тизимлари таклиф этилган.


Нефть хомашёсини бирламчи қайта ишлашда ажратиш технологик жараёнлари ҳаётий циклини бошқариш – PLM-тизимининг архитектураси ишлаб чиқилган (6-расм).

PLM-иловалардан фойдаланиш яратилган ҳужжатларни қайд этиш, сақлаш ва улардан фойдаланишларни бошқариш, уларнинг мазмунини ўзгартириш жараёнларини бошқариш, шунингдек ишлаш давомида киритилган ўзгаришлар ҳақида фойдаланувчиларга хабар бериш имконини беради.

Ахборот технологияларининг замонавий ютуқларидан фойдаланиш ва «Саноат 4.0» концепцияси асосида кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш тизимининг архитектураси курилган (7-расм).



6-расм. Нефть хомашёсини бирламчи қайта ишлаш технологик жараёнларининг ҳаётий циклини бошқариш тизими архитектураси.



7-расм. Кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш тизимининг архитектураси.

Хусусан, рақамли моделлаштириш ва симсиз технологиялар, компьютер тизимлари ва тармоқлари, булутли технологиялар, маҳсулотлар ҳаётий циклини бошқариш – PLM, системалар ҳаётий циклини бошқариш – SysLM, виртуал эгизак – Virtual Twin, ашёлар интернет – IoT каби технологиялар мураккаб технологик мажмуаларнинг ҳаётий циклини интеллектуал

бошқариш имконини яратади.

Мураккаб технологик мажмуаларнинг ҳаётий циклини интеллектуал бошқариш тизимининг асосий вазифаси мураккаб узлуксиз технологик жараёнлар юз берадиган мураккаб технологик мажмуаларни бошқаришдан иборат. Мажмуа таркибига ажратиш қурилмалари, назорат-ўлчаш асбоблари, бошқариш қарорларини ижро этувчи қурилмалар ва турли замонавий сенсорлар киради. Бундан ташқари, архитектурада симсиз алоқа воситалари мавжуд бўлиб, улар маълумотлар алмашинувида иштирок этади. Архитектурадаги сервер эса қуйи сатҳда амалга оширилган назорат-ўлчаш ахборотларини интеллектуал бошқариш тизимининг юқори сатҳларига узлуксиз, аниқ манзилли ва ўз вақтида етиб боришини, шунингдек ижро механизмларига келишини таъминлайди. Сервер қуйи сатҳ билан дастурланадиган мантиқий контроллерлар, аварияга қарши ҳимоя тизимлари ва симсиз алоқа воситалари орқали ўзаро мулоқотни ташкил этади. Сервердан юқорида эса SysLM ва саноат корхонасининг булути туради. Системалар ҳаётий циклини бошқариш тизими – SysLM нинг асосини маҳсулотлар ҳаётий циклини бошқариш тизими – PLM ва Виртуал эгизак ташкил этади. Бу қисмнинг асосий вазифаси рақамли моделлаштириш маҳсулоти ҳисобланган Виртуал эгизакдаги асосий қўрсаткичларни намуна қилиб олган ҳолда маҳсулотлар ҳаётий циклини бошқаришдан иборат.

Архитектуранинг энг юқори қисмида жойлашган булутдаги мета маълумотлар базаси жараённинг ҳар бир вақт бўйича барча маълумотларини ўзида мужассамлаштиради ва интеллектуал бошқариш тизимининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур бўлган катта ҳажмдаги маълумотларга тезкор ишлов беришни таъминлайди.

Ажратиш мажмуалари ҳаётий циклини бошқаришда параметрлар ноаниқлиги. Кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини бошқаришда ажратиш мажмуасининг иш фаолиятига бир вақтнинг ўзида ҳам ноаниқликлар ҳам бошқариш сигналлари таъсир қилади. Ноаниқликлар, ўз навбатида, ажратиш мажмуасининг ҳулқига ҳам ўз таъсирини ўтказиши. Шу сабабли, ажратиш мажмуасининг технологик функцияларига алоҳида эътибор қаратиш лозим (8-расм).



8-расм. Ажратиш мажмуасининг технологияси, технологик функциялари ва ҳаётий циклига ноаниқликларни таъсир этиши.

Параметрлар ноаниқликларини ҳисобга олган ҳолда тузилган технологик функциялардан, улар номонанд бўлиб қолмагунча, кўп марта фойдаланиш мумкин. Параметрлар ноаниқликларини “назорат қилиш ва баҳолаш” мумкин

бўлган ҳолларда ажратиш мажмуасининг ҳаётий цикли муваффақиятли такрорланиши ва фойда келтириши кафолатланади.

Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш мажмуасининг технологик функцияларини бажаришда ҳаракатлар ноаниқлиги ва кириш параметрлари ноаниқлигини алоҳида ажратиб кўрсатамиз (9-расм). Ҳаракатлар ноаниқлиги ҳаётий циклнинг бирор босқичини амалга оширишда юзага келадиган ҳолат билан ифодаланади.



9-расм. Ажратиш мажмуасининг технологик функциялари.

Кириш параметрлари ноаниқлигининг мажмуа ҳаётий циклини бошқаришга таъсири Монте-Карло усули билан тавсифланган бўлиб, ҳар бир кириш параметри  $X_i$  учун эҳтимоллар зичлиги функцияси қиймати танланган. Кейин, ажратиш жараёни учун тузилган моделнинг чиқиш қийматлари ҳисобланади. Моделнинг чиқиш қийматлари  $z$  қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$z = \sum W_i X_i, \quad (12)$$

бу ерда  $W_i$  – сезгирлик коэффициенти;  $X_i$  – кириш параметрлари;  $z$  – чиқиш қийматлари.

Кириш параметрлари  $X$ , сезгирлик коэффициентлари  $W$  ва чиқиш қийматлари  $z$  мос равишда қуйидаги ифодалар билан тавсифланади:


$$X = \begin{bmatrix} x_1(1) & \dots & x_n(1) \\ \vdots & \ddots & \vdots \\ x_1(N) & \dots & x_n(N) \end{bmatrix}, \quad (13)$$

$$W = [w_1 \dots w_n], \quad (14)$$

$$z = (w^T \cdot X^T)^T, \text{ ёки } \begin{pmatrix} w^T \cdot x(1) \\ \dots \\ w^T \cdot x(N) \end{pmatrix}, \quad (15)$$

бу ерда  $N$  – итерациялар сони.

Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш мажмуасининг технологик функцияларига таъсир кўрсатувчи асосий иккита омил ажратиб кўрсатилган, улар: ноаникликлар ва бошқариш. Умуман, мажмуа ҳаётий циклини бошқаришнинг интеллектуал тизимини куришда ноаникликларни ҳисобга олиш мажмуа фаолиятини бошқаришни ташкил этишда яхши самара беради. Диссертациянинг «Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнлари технологик мажмуалари ҳаётий циклини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш» номли тўртинчи бобида ажратишнинг технологик мажмуалари ҳаётий циклини бошқариш усуллари ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш баён этилган.



10-расм. Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнини интеллектуал бошқариш усулини амалга оширишнинг функционал схемаси.

Таклиф этилган интеллектуал бошқариш усулининг функционал схемасида иккита асосий ташкил этувчи қисмлар: бошқаришнинг такомиллаштирилган APC-тизими ва тақсимланган бошқариш тизими (ТБТ) алоҳида ажратиб кўрсатилган. Тузилиш схемасида APC – Advanced Process

Control – такомиллаштирилган бошқариш тизими, ТБТ – тақсимланган бошқариш тизими, ҚҚҚБ – қарор қабул қилувчи блок, ҚҚҚШ – қарор қабул қилувчи шахс ва уларнинг вазифалари келтирилган.

